



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

№ 993

20 22 й. " 24 " сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамрокулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништирсин, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
2 – илова
№ 993

**Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини
аниқлаш ва бошқариш тўғрисида**

Н И З О М

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими)да манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларни бошқариш тартиб-таомилларини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига, соҳага оид етакчи халқаро амалиётларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”га ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсати”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Марказий банк тизимида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тартиб-таомилларини белгилаб берувчи ички ҳужжат ҳисобланиб, унга барча ходимлар сўзсиз риоя этишлари шарт.

3. Мазкур Низомда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

манфаатлар тўқнашувини бошқариш - манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган ёки юзага келган вазиятда уни олдини олиш ҳамда хал этиш чораларини кўриш;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш (декларациялаш) - ходимлар ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотни очиклаш тартиб-таомили;

шахсий манфаатдорлик – ходимнинг ўзи, яқин қариндошлари ёки алоқадор шахслар томонидан моддий ёки номоддий қийматликлар, шу жумладан ижтимоий, сиёсий ва бошқа турдаги хизматларни наф, фойда, имтиёз сифатида олиш имконияти;

очиқлик – ходимлар ўзининг мансаб ёки хизмат мажбуриятлари доирасидаги барча қарорлари ҳамда ҳаракатлари юзасидан очиқликни намоён этишлари лозим. Бунда, ходимлар қабул қилган қарорлари бўйича асослантирувчи тушунтиришларни тақдим этишга мажбур.

потенциал манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки Марказий банк тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Марказий банк тизимининг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва ходимлар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

реал манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки Марказий банк тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Марказий банк тизими манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

2-боб. Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришда ходимлар мажбуриятлари

5. Ходимлар ўзларининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда Марказий банк тизими манфаатларини ифодалаш ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

6. Мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда ходимлар:

а) қуйидагиларга риоя этиши шарт:

фуқаролар, давлат, Марказий банк тизими ва жамият манфаатларини кўзлаши; профессионал фаолиятида очиқликни таъминлаши;

яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини виждонан ошкор этиши;

ўз манфаатларининг тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида ҳар қандай маълумотга эга бўлган тақдирда белгиланган тартибда хабар бериши.

б) қуйидаги таъқиқлардан сақланиши лозим:

непотизм, шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмга йўл қўйиш;

яқин қариндош ёки алоқадор шахсларнинг бир-бирига бўйсунувда ёки назорат остида фаолият юритиш;

бевосита назорат қилинувчи субъектлардан ҳар қандай совға ёки меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш;

аввалги иш жойи ёки фаолиятини бевосита назорат қилиш, шунингдек харидлар билан боғлиқ ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш (камида икки йиллик муддат давомида), раҳбарлик лавозимига тайинланиши бундан мустасно;

меҳнат фаолияти давомида ўзига маълум бўлган фойдаланиш доираси чекланган маълумотлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш.

в) қуйидаги ҳолларда хабар бериши шарт:

бевосита бўйсунувидаги ходим яқин қариндоши ёки алоқадор шахс бўлса;

ходимнинг яқка ўзи ёки у қатнашган коллегиял орган томонидан қарор қабул қилишда манфаатдор томонда (жисмоний, юридик шахс) ходимга яқин қариндош ёки алоқадор шахс мавжуд бўлганда.

3-боб. Манфаатлар тўқлашувларини аниқлаш ва уларни бошқариш усуллари

7. Манфаатлар тўқнашуви қуйидаги усуллар орқали аниқлади:

муайян ва номуайян муддатли меҳнат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар расмийлаштиришда ҳамда ходимларни юқори лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ошкор этилган маълумотлар, келиб тушган хабарлар, назорат ва мониторинг натижалари ҳамда очиқ манбаалардан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ўрганиб борилади;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар ўрганилиб, унинг таъсири баҳоланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

8. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади:

ходимлар соҳага оид қонунчилик, ички ҳужжатлар талаблари билан таништириб борилади;

ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олинади;

манфаатлар тўқнашувини хал этиш чоралари кўрилади. Бунда манфаатлар тўқнашувининг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда хал этиш чораларни белгилаш ходимнинг бевосита раҳбарининг таклифига кўра, ички назорат тузилмаси ҳамда кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда, одоб-ахлоқ комиссияси муҳокамасига тақдим этилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашувини хал этиш чоралари юзасидан доимий равишда мониторинг ишлари амалга оширилади;

қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

9. Марказий банк тизимида назорат функцияларни (хизмат текшируви, инспекция, ўрганишлар, мониторинг ва масофавий назорат) амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ёки масъулларни белгилашда раҳбар ходимлар манфаатлар тўқнашувини аниқлаши ва олдини олиш чораларини кўриши керак.

4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

10. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар қуйидагича декларация қилинади:

дастлабки декларация - бўш иш ўринларига номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозим ўзгартирилиши (ротация) вақтида;

йиллик декларация - барча ходимлар томонидан ҳар йили бир марта;

навбатдан ташқари декларация - аввал ошкор этилмаган манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган ёки юзага келиш мумкин бўлган вақтда.

11. Бўш иш ўринларига номзодларни танлаш, ходимларни юқори лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги декларация тўлдирилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашуви вазиятларининг мавжудлиги юзасидан ўрганиш ўтказилади.

Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма раҳбари ҳамда Марказий банк раҳбарияти хабардор қилинади.

12. Йиллик декларация қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ходимлар ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдирган ҳолда Ички назорат тузилмасига тақдим этади;

Ички назорат тузилмаси 10 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш мақсадида аризаларни таҳлил қилади;

таҳлил натижасида манфаатлар тўқнашуви аниқланса, уларни бошқариш чоралари кўрилади;

ҳар йили биринчи чорак якунида Ички назорат тузилмаси манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва бошқариш бўйича статистик таҳлилни Марказий банк раҳбариятига киритади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ва декларациялар Ички назорат тузилмаси томонидан 3 (уч) йил давомида сақланади.

13. Потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви юзага келган вақтда декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ходим бундай ҳолат унга маълум бўлган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида бевосита раҳбарига ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар беради;

таркибий бўлинма раҳбари манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ёзма хабарни олган вақтдан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича аниқ таклиф билан Ички назорат тузилмасига тақдим этиши лозим;

Ички назорат тузилмаси ҳамда Кадрлар билан ишлаш бўлинмаси тегишли таркибий бўлинма раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш юзасидан кўрилган чоралар ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги юзасидан маълумотлар “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш Реестри”да (кейинги ўринларда - Реестр) қайд этилади.

5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш чоралари

14. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этишда уни потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашувига ажратган ҳолда қуйидаги чоралар белгиланиши мумкин:

ходимнинг лавозим вазифаларини ёки лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш ва/ёки унга ўзгартириш киритиш;

ходимни бошқа раҳбар бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда, қарор қабул қилишда иштирок этишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашишга рухсат бериш ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштириш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан ходимнинг фойдаланишини чеклаш;

ходимнинг Марказий банк тизими манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан ихтиёрий воз кечиши;

Одоб-ахлоқ комиссиясига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.

манфаатлар тўқнашуви предметида келиб чиқиб, уни ҳал этишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

6-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

16. Ички назорат тузилмаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга ёзув киритиш йўли орқали рўйхатга олиб боради.

Реестр электрон шаклда юритилиши мумкин.

17. Реестрга қуйидаги ҳолларда ёзув киритилади:

бўш иш жойларига номзодларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ошкор этилган бўлса ҳамда унинг бевосита раҳбари мазкур ҳолатни тасдиқласа;

йиллик декларацияда маълумотлари таҳлили асосида;

навбатдан ташқари декларация тақдим этилганда;

очиқ манбалар, алоқа каналларидан олинган маълумотлар ўз тасдиғини топса;

хизмат текширувлари, назорат ва мониторинг натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланганда.

18. Манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ҳамда бошқаришда расмийлаштириладиган ариза, хабарнома ҳамда бошқа маълумотлар Ички назорат тузилмасида сақланади. Ички назорат тузилмаси олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ҳамда маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

8-боб. Якуний қоидалар

19. Эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиши лозим.

20. Ходимлар ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарни ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

21. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Департамент директори



Ш. Қуваталиев

НОМЗОД/ХОДИМ МАЪЛУМОТНОМАСИ

расм

ФИШ (тўлик)

_____ (охирги иш жойида иш бошлаган санаси):
_____ (охирги эгаллаган лавозими тўлик)

Туғилган йили: _____

Туғилган жойи: _____

Миллати: _____

Партиявийлиги: _____

Маълумоти: _____

Тамомлаган: _____

Паспорт маълумоти/ ID рақам:

_____ (Серияси ва рақами) _____ (ПИН Ф.Л.)

Маълумоти бўйича мутахассислиги: _____

Илмий даражаси: йўқ

Илмий унвони: _____

Қайси чет тилларини билади: _____

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа): _____

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлик кўрсатилиши лозим): _____

судланганлиги (тўлик кўрсатилиши лозим): _____

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Ишлаган даври	Ташкилот номи, таркибий бўлинма номи, лавозими (тўлик кўрсатилиши лозим)
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - Ой.йил	
Ой.йил. - - х/в	

Марказий банк тизимида манфаатлар
тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш
тўғрисидаги низомга 2-илова

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги
тўғрисидаги ариза**

Ф.И.Ш (тўлик) _____

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи _____

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим _____

Тўлдирилган сана _____

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

алоқадор шахслар - ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшнилар, қариндошлар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

1. Агар Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Марказий банк тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг). Ҳа / Йўқ

№	Ф.И.О.	Таркибий бўлинма номи	Лавозим (тўлик)
1			
2			
3			

Изоҳлар: _____

2. Сиз Бошқарув органи (бошқарув, директорлар ва х.к.) ходими, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкӣй шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнингизни ҳисобга олинг.

(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавзоимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.

Изоҳлар: _____

3. Сизда / яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облигацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорларига таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қоғозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилсангиз).

(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиш ва ҳ.к ларни кўрсатиб ўтинг.)

Изоҳлар: _____

4. Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг.

Изоҳлар: _____

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд / мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).

- Мен ушбу аризада ақс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.

- Марказий банк тизимида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, янги ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

Имзо: _____

**Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида
манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлиқ) _____

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи _____

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим _____

Тўлдирилган сана _____

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

алоқадор шахслар - ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшинлар, қариндошлар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

1. Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Марказий банк тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг). **Ҳа / Йўқ**

Изоҳлар: _____

2. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (юридик шахс/ЯТТ бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?

(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).

Изоҳлар: _____

3. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?

(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).

Изоҳлар: _____

4. Сизга Марказий банк тизими ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми?

(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)

Изоҳлар: _____

5. Лозим деб топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг.

Изоҳлар: _____

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).

Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни текширилишига розилик билдираман.

- Марказий банк тизимида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, янги ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)

Марказий банк тизимида манфаатлар
тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш
тўғрисидаги низомга 5-илова

_____ га
бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш тўлиқ _____ дан
_____ лавозими ва Ф.И.Ш тўлиқ _____

**Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида
Х А Б А Р Н О М А**

Мен манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида қуйидагиларни
хабар қиламан: _____

(Шахсий манфаатлар (реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви) хизмат вазифаларини бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Марказий банкнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

(Ф.И.Ш) (имзо) (сана)

Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуйидаги чоралар таклиф
қилинади: _____

(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун кўрилган чоралар кўрсатилади)

(Ф.И.Ш) (имзо) (сана)